XALQ DEPUTATLARI SHAYXONTOHUR TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

206/2-37-son 30-aprel 2021-yil

Шайхонтоҳур туманидаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 10-сон 273-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари хақида”ги 295-сон қарорига (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 41 - 42 - сон, 483-модда) асосан, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Шайхонтоҳур туман ҳудудий комиссиясининг иловада қайд этилган давлат тили талабларига мос келмаган кўчалар номларини ўзгартириш ҳақидаги қарори маъқуллансин.

2. Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари (Р.Қурбонов), Шайхонтоҳур туман ободонлаштириш бошқармаси (Ғ.Зокиров), Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари - “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Тохирова)га:

“Обиназир”, “Илғор”, “Каттаҳовуз”, “Кўкча Дарвоза”, “Янгиобод” маҳаллаларидаги номлари ўзгарган кўчалар номлари акс эттирилган номлагичлар ўрнатилиши ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ишлари амалга оширилсин.

3. Тошкент шаҳар Кадастрлар палатаси Шайхонтоҳур туман бўлими (Ш.Мирсагатов)га:

Географик объектлар номларининг давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилиши таъмиинлансин.

4. Шайҳонтохур туман ҳокимлиги Матбуот котиби-ахборот сиёсати масалалари бўйича маслахатчи (С.Муртазоқулов)га:

мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг Саноат, транспорт, курилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комисияси раиси А.Умаров зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Шайхонтоҳур туман Кенгаши
раиси ўринбосари **М.Адилов**

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур
туман Кенгашининг
2021 йил "30" апрель даги
206/2-37-сон қарорига
илова

Шайхонтоҳур туманидаги давлат тили талабларига мос келмаган кўчалар номлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Маҳалла номи	Ўзгартирилиши лозим бўлган кўча номи	Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тавсия этилган ном	Туман комиссияси таклифи
1	**Обиназир**	Шоликулок	Ш.Шомахмудов проезд	**Ш.Шомахмудов тор кўчаси**
2	**Илғор**	Шоликулок	Ш.Шомахмудов проезд	**Ш.Шомахмудов тор кўчаси**
3	**Каттаховуз**	Қизил товуш, Славянский тор кўчаси	Торчи тор кўчаси	**Торчи тор кўчаси**
4		Қизил товуш, Тепабоши берк кўчаси	Янгийўл тор кўчаси	**Янгийўл тор кўчаси**
5		Қизил товуш кўчаси	Янгийўл тор кўчаси	**Янгийўл тор кўчаси**
6	**Каттабоғ**	Костёрний	Аланга, Гулхан	**Гулхан кўчаси**
7	**Камолон**	Каршинский	Қарши	**Қарши кўчаси**
8	**Кўкча Дарвоза**	Эски милтикотар	Ором, Орзу, Нурли келажак	**Ором 1-3 проезд**
9	**Янгиобод**	Қизил тамға 1-3 тор кўчалар	Маърифат, Устазода, Саховат	**Устазода 1-3 кўчалар**